

ФОРС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ АСАРЛАРДА АЁЛ ГЎЗАЛЛИГИ КОНЦЕПТИ

М. Ҳабибова

ТошДШУ Эрон -афгон филологияси кафедраси катта ўқитувчиси

Н. Ходиева

ТошДШУ Эрон-афгон филологияси катта ўқитувчиси

Д.Аҳмедова

ТошДШУ Эрон-афгон филологияси кафедраси доценти, DSc

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада форс ва ўзбек тилларида аёл ва гўзаллик концептига оид терминлари қиёслаб ўргатилади.

***Таянч сўз ва иборалар:** гўзаллик, концепт, когнитив, луғавий маъно, лексик – семантик*

АННОТАЦИЯ

В данной статье сравниваются термины, связанные с концептами женщины и красоты в персидском и узбекском языках

***Ключевые слова и словосочетания:** красота, концепты, лексическое значение, лексико- семантический*

ABSTRACT

This article compares terms related the concept of woman and beauty in Persian and Uzbek

***Keywords and phrases:** beauty, concept, cognitive, lexical meaning, lexico-semantic.*

КИРИШ

Когнитив тилшуносликда концепт инсоннинг билими ва тажрибасини, ментал лексикасини, бутун олам манзарасини, миянинг концептуал ва тил тизимини, инсоннинг руҳиятини ифодаловчи восита сифатида ўрганилади. Концепт маданий универсалияларни ифодалайди ва у тафаккурда мавжуд бўлади, ўзида когнитив-рационал ҳамда эмоционал-психик мазмунни бириктиради. Лингвокультурологик концепт барча тил эгалари учун дунёқараш модели вазифасини ўтайди ва концепт миллий характернинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи маданий омил саналади. Концептнинг тушунча ва луғавий маъно билан муносабати аниқланар экан, концептнинг айсбергга, тушунчанинг сувдан чиқиб турган айсберг учига қиёсланиши келтирилади. Концептнинг

турли тил тизимларидаги турлича таснифлари изоҳланиб, стандартлашишига кўра универсал, этник, гуруҳга оид ва шахсий концептларга; қўлланилишига кўра илмий, бадий, маиший концептларга; ифодаланишига кўра лексикфразеологик, грамматик, синтактик ва матний концептларга бўлиниши айтиб ўтилган. Концептларнинг бир умумий ном остида бирлашиши концептосфера термини билан аталган. Концептосфера терминини биринчи бўлиб Д.С.Лихачева қўллаган. Концептни ўрганишда унинг таркибий тузилмасини тадқиқ этиш яъни ядро ва перифериясини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Бунда лексик-семантик, коннотатив, ассоциатив методлардан фойдаланиш мумкин.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мақоламизда гўзаллик тил ва маданият универсалияларидан бири сифатида кўрсатилади.

Гўзаллик концептининг лексик-семантик тадқиқида худди шу концепт атрофида тўпланувчи жамики лексемаларнинг келиб чиқиши, луғавий маъноси билан боғлиқ маълумотлар тўплаб ўрганилади. Бу гўзаллик концепти билан боғлиқ ассоциатив тил фондини яратиш учун жуда самарали тадқиқот бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ўзбек тилида гўзаллик концептини ифодаловчи лексик-семантик бирликларга қуйидагиларни мисол келтиришимиз мумкин: гўзал, нозик, нафис, латиф, ёқимли, чиройли, соҳибжамол, хурлиқо, асал, ширин, шакар, жонон, кўркам, хушбичим, келишган, алпқомат, хушсурат, хушрўй, жозибали, мафтункор, латофатли, баркамол, мукаммал, кўхлик, ажойиб, суқсур, яхши, зебо, доно, хушқад, паҳлавон, малоҳатли, бокира, шармли, ҳаёли, иболи, сулув, вафоли, табиий, бетакрор, содда, ҳақиқий, пок, мард, жўмард, комил, солиҳа, оқила, ақлли, назокатли, ширинсўз, ширинсухан, меҳрибон, раҳмдил, фаросатли, фаҳмли, фасоҳатли, нозанин, диёнатли, замонавий, самимий, идеал, истарали, нозли, ишвали, зеҳли, сабрли, зукко... Бу қаторни чексиз давом эттириш мумкин. Боиси ўзбек миллий менталитетида ички гўзаллик ташқи гўзалликдан юқори туради. Бу танлов ўзбек тилининг луғат фондида ҳам ўз аксини топган. Форс лингвомаданияти вакиллари эса ташқи гўзалликка кўпроқ аҳамият қаратишади ва бу танлов ҳам уларнинг тил бирликларида яққол ўз аксини топган. Форс тилида: *قشنگ عزیز نازک، نازنین، زیبا،* ، *هوش، با* каби сўзлар гўзаллик концептини ифодаловчи асосий лексик-семантик воситалар саналади. Ҳар икки тилда мавжуд мазкур лексемалар эмоционал-экспрессивлигига кўра, нутқ жараёнидаги иштирокида бир-биридан

фарқланиши мумкин. Масалан, дилбар, гўзал, барно, лобар; نازنين برنا، زيبا، – сўзлари бадий услубга; чиройли, ақли, яхши, фаросатли; زرنگ خوب،دانا، – нейтрал услубга; ёқимли, ширин, шакар, асал, содда, табиий; شیرين، نازك نازنين، – сўзлари сўзлашув услубига хос лексемалар ҳисобланади. Экспрессивликнинг намоён бўлиш шакллари теран тадқиқ қилган тилшунос Адҳам Абдуллаев «синтактик градация, синтактик синонимия, боғловчиларнинг махсус қўлланиши, антитеза, монолог, сукут, инверсия, такрорий гаплар, риторик сўроқ» каби услубий фигуралар «фикрнинг ўта таъсирчан ифодаланиши»га хизмат қилишини таъкидлайди. Синтактик воситалар линвопоэтикасида икки миллат маданиятига тегишли энг машҳур икки асар матни қиёсий тадқиқ қилинди. Форс ёзувчиси Содик Ҳидоятнинг “Обжи хоним” ҳикоясида онанинг икки қизи бўлиб, бири жудаям гўзал, ақли, нозик, иккинчиси эса хулқ-атвор жихатидан ҳам, ташқи кўриниш жиҳатидан ҳам бунинг акси бўлади. Обжи хоним синглисига бўлган ҳасадини ошкора намоёиш қилмасда, хатти ҳаракатлари билан буни кўрсатиб қўяди. У дунёдаги барча гўзаллар, ҳатто синглиси ҳам ҳали унга хавас қилишларини, аёл қандай бўлиши кераклигини, бу борада ундан ўтадиган одам дунёда борми ёки йўқлигини ўзига ўзи айтиб юради. «جاودانى دنيای نشوى؟ برخوردار آن خوشى هاى از اگ دارد افسوسى چه روزه دو دنيای اين آرى.» «کرد خواهند را او آرزوى همه و خواهرش همچنين خوشگل مردمان همه بود، خواهد او مال هميشگى و» Матнда қўлланилган Обжи хонимнинг ўзига ўзи акс этган эмоционал гаплар, фарқлаш синтактик ҳодисаларнинг бадий матн таркибидаги аҳамияти нечоғли катта эканлигини кўрсатмоқда. Ўзбек халқ эртакларида ҳам гўзал ва ақли қизларнинг ўғай она қўлида азобланиши мотиви билан боғлиқ эртаклар талайгина. Улар орасида, шубҳасиз, энг машҳури “Зумрад ва Қиммат” эртаги саналади. Хусусан, қизларнинг тавсифи билан бошланувчи ушбу матнда ҳам синтактик параллелизм, ҳам синтактик антитеза (қаршилантириш) санъатидан моҳирона фойдаланилган. “Зумрад чиройли, одобли, мулойим, ақли қиз экан. Уни бир кўрган киши яна кўрсам деб орзу қилар экан. Хуллас, у жуда ажойиб қиз экан. Қиммат эса ишёқмас, инжиқ ва димоғдор экан. Унинг бутун куни уруш-жанжал ва тўполон билан ўтар экан”.

Эрон миллий халқ эртаги “هوش با دختر”да ҳам худди шундай жумла келади: “دارند دوست را او ها همسايه همه بودکه زيبا، ادب با زحمتکش، آنقدر دختر آن.” Яна бир қиёслашни келтирамиз:

Зумрад кўп чиройли, одобли, мулойим, ақли қиз экан, уни кўрганда кўзлар қамашиб, чиройига ҳаттоки ой ҳам ҳасад қилар экан. Бутун табиат унинг яхшилигидан ором олар экан (Зумрад ва Қиммат). – گرفته، رنگ ان از هم طبيعت حتى.

(هوش با دختر) زد می لبخند هم اطرافش همه میخندید او وقتیکه
мазмундаги муболаға ёки гипербола бадий санъатидан усталик билан
фойдаланилган. Иккаласида ҳам қизларнинг бениҳоя гўзаллиги ойни уялтирар
даражада. Одобию ахлоқини гапирмаса ҳам бўлади.

Бу мисоллар ўзбек ва форс халқлари лингвомаданиятидаги муштарак
жиҳатлар: гўзалликни севиш, уни қадрлаш, унга интилиш, охир-оқибат
эзгуликнинг ғалабаси билан боғлиқ орзу-умидларини, ишончларини акс
этиради.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида гўзаллик концептининг ҳар икки тил маданиятида яққол
акс этувчи олти жиҳатини ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Биринчидан, гўзаллик – эстетик категория. Бунда гўзалликнинг инсон
руҳиятида ёқимли ҳис уйғотиши, эстетик идеал каби масалаларни мисол қилиб
кўратишимиз мумкин. Ўзбек лингвомаданиятида Юсуф пайғамбар, Муҳаммад
(с.а.в.) пайғамбар; инглиз лингвомаданиятида эса Исо ибн Марям (диний
этиқодига кўра муайян фарқлар бор) эстетик идеал сифатида алоҳида тилга
олинади. Иккинчидан, гўзаллик – лингвомаданий бирлик. Бунда гўзалликнинг
алоҳида миллий-ментал хусусиятлари, хусусан, ўзбек лингвомаданиятида
бокиралик гўзалликнинг муайян бир узви сифатида, инглиз лингвомаданиятида
эса гўзаллик шахс нафсоний ва руҳоний истакларини қай даражада
қаноатлантиришига кўра қадрланишига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Учинчидан, гўзаллик – лингвокогнитив бирлик. Ҳар бир шахс ва жамият
гўзалликни ўзининг билим савияси, диди, бадий, илмий тафаккури доирасида
англайди ва ҳис қилади. Ўзбек халқи тафаккурида гўзаллик ахлоқий
баркамоллик сифатлари билан ўлчанса, инглиз халқи тафаккурида гедонистик
қарашлар устувор ҳисобланади.

Тўртинчидан, гўзаллик – лингвопрагматик объект. Сўзловчининг нутқий
акт вазияти унинг нутқига ҳам бевосита таъсир этмай қолмайди. Эрон миллий
маданиятида ҳам, ўзбек миллий маданиятида ҳам об-ҳаво, атроф-муҳит,
кайфият омиллари лисоний шахс дискурсив мулоқотида гўзалликни англаш ва
ифодалашда катта аҳамият касб этади.

Бешинчидан, гўзаллик – аксиологик қадрият. Бунда ҳар икки тил
маданиятида ҳам “ўзимники”, “бегона” тушунчалари тил эгалари нутқида
гўзалликни баҳолаш учун муҳим рол ўйнайди.

Шунга мувофиқ равишда ўзбек ва форс тил соҳиблари нутқида гўзалликни қабул қилишга нисбатан турфа хил ундов ва ифода воситалари қўлланилишига гувоҳ бўлдик.

REFERENCES

1. Rahmetullayevna, K. M., Mukhsumovna, S. M., & Nizametdinovna, N. M. (2020). Simultaneous transfer strategies and their description. *Journal of Critical Reviews*, 7(4), 217-220.
2. Khabibova Mukhabbat Rahmetullayevna «Use of multimedia methods in teaching foreign languages» Дистанционные возможности и достижения науки., Сборник научных публикаций, Киев, 2020
3. Khodiyeva Nozima Tulkunovna, Khabibova Mukhabbat Rahmetullayevna, Ahmedova Dilfuza Rafukjanovna Past tense incomplete verb and present tense incomplete verb in Persian», Zenoda, may 26, 2021 DOI 10.5281/4810048
4. Ahmedova Dilfuza Rafukjanovna, Xodiyeva Nozima Tulkunovna, Xabibova Muhabbat Rahmetullayevna «Fors tilida holat fe'llarining semantik tahlili», Культурология, искусствоведение и филология: современные взгляды и научные исследования., Москва, 2022 г. Сборник статей по материалам LVI международной научно- практической конференции. ISSN 2541- 9870
5. Xodiyeva, N. T., Ahmedova, D. R., & Xabibova, M. R. (2022). HOZIRGI ZAMON FORS TILIDA SODDA FE'L ASOSIDA TUZILGAN QO 'SHMA FE'LLARNING STRUKTUR TAHLILI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 4-2), 534-540.